# ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 148 (1474), 2025 йил 22 июль, сешанба

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ДОИРАСИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2025 йил 11 июнь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлиси доирасида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан**:

**I. Илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни тизимли амалга ошириш**

**1.** Қуйидагилар:

**а)** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлисида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича **ҳаракатлар режаси 1-иловага** мувофиқ;

**б)** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши Ўзбекистон томонининг **янгиланган таркиби 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**(i)** Бунда Хорижий инвесторлар кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш)га унинг ҳузурида йўналишлар бўйича **ишчи гуруҳлар** ташкил қилиш ҳамда уларнинг таркибига вазирлик ва идоралар раҳбарлари (ходимлари)ни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

**II. Кенгаш котибияти ва ишчи гуруҳлар фаолиятини такомиллаштириш**

**2.** Кенгаш аъзолари ва халқаро молия институтларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

**а) Кенгаш котибиятини нодавлат нотижорат ташкилот** сифатида ташкил этиш ҳамда унинг аъзолигига **халқаро молия институтларини ҳам жалб қилиш**;

**б) Кенгаш котибияти** томонидан хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри ишлаш орқали мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция маблағларини жалб қилишга кўмаклашиш;

**в)** Кенгашнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан боғлиқ фаолиятини Кенгаш котибияти томонидан **мувофиқлаштириш**, шунингдек, Кенгаш мажлисларида муҳокама қилинадиган масалалар бўйича маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари билан **маслаҳатлашувларни ташкил этиш**;

**г)** Кенгаш котибияти ҳамда ишчи гуруҳларнинг фаолияти натижалари ҳақида **ҳар чорак якуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.

**3.** Қуйидагилар **Ишчи гуруҳларнинг вазифалари** этиб белгилансин:

**а) ҳар ойда** Кенгаш котибияти билан ҳамкорликда мазкур қарорга **1-иловада келтирилган ҳаракатлар режаси** доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан **муҳокамалар ўтказиб бориш**;

**б)** инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

**III. "Ягона инвестиция платформаси" ахборот тизимини жорий қилиш**

**4.** Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар раҳбарлари:

**а)** "Ягона инвестиция платформаси" ахборот тизими билан интеграция қилинадиган ахборот тизимлари рўйхатига асосан интеграция қилиш ишларини **графикка мувофиқ якунлашга**;

**б)** "Ягона инвестиция платформаси" ахборот тизимига манзилли ва истиқболли лойиҳаларни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклга мувофиқ киритишга шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

**5.** Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев **бир ҳафта муддатда** аниқ муддат ва масъулларни белгилаган ҳолда давлат хизматлари кўрсатиладиган ахборот тизимларини "Ягона инвестиция платформаси" ахборот тизими билан **интеграция қилиш механизмлари ва графигини тасдиқласин**.

**IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

**6.** Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари мазкур қарорга 1-иловадаги ҳаракатлар режасида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг белгиланган муддатларда самарали, сўзсиз, сифатли ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминласин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президенти вакили А.Ю. Магрупов, Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев, Ж.А. Кўчқоров ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

**а)** Кенгашнинг учинчи ялпи мажлиси давомида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан **мунтазам ва тизимли мониторинг ҳамда қатъий назорат** олиб борсин;

**б)** ушбу қарорга 1-иловада келтирилган ҳаракатлар режасининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштирсин, **ҳар чорак якунида** ҳисоботларини танқидий муҳокама қилиб борсин, шунингдек, чора-тадбирларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи салбий омилларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**9.** Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 18 июль

## НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯХШИЛАНАДИ ВА ЭНЕРГИЯ МУВОЗАНАТЛИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 21 июль куни нефть-газ соҳасида хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган ишлар ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.**

Мамлакатимизда ўсиб бораётган талабга мос равишда энергетика изчил ривожлантирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг хорижий ташрифлари ва улар доирасида ўтган бизнес форумлари натижасида кўплаб лойиҳалар амалга ошмоқда.

Жумладан, Озарбайжоннинг "Socar" компанияси билан Устюртдаги конларда қидирув ўтказиб, нефть қазиб олиш бўйича келишувга эришилган. Биргаликда истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Шунингдек, бошқа хорижий давлатлар билан мураккаб конларни ўзлаштириш, соҳани рақамлаштириш, талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш каби муҳим йўналишларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Тақдимотда мутасаддилар шерикликдаги ишларнинг бориши ва галдаги режалар юзасидан ахборот берди.

Президентимиз истиқболли майдонлар бўйича аниқ лойиҳаларни шакллантириш, геология-қидирув ишларидан тайёр маҳсулот олишгача бўлган тўлиқ занжирни йўлга қўйиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шу билан бирга, амалдаги хорижий ва қўшма корхоналарда янги бурғилаш усулларини қўллаш, қудуқларнинг самарадорлигини ошириш орқали нефть ва газ ҳажмини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Мутасаддилар бунинг учун етарли энергия ишлаб чиқариш, газ омборларида жамғариш ва мувозанатли етказиб бериш чоралари кўрилаётгани тўғрисида ахборот берди.

Хусусан, Таллимаржон иссиқлик электр станциясида 1 минг 65 мегаваттли иккита буғ-газ қурилмаси, Сирдарёда 1 минг 573 мегаваттли иссиқлик электр станцияси барпо этилмоқда. Уларнинг жами қуввати йилига 20 миллиард киловатт-соат бўлади.

Шунингдек, бу йил Тошкент, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жами 162 мегаваттли янги гидро электр станциялар ишга туширилади. Уларда йилига 648 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқарилади. Булар, аввало, халқимиз эҳтиёжи ва ўсиб бораётган иқтисодиёт учун қўшимча қувват бўлади.

Айни пайтда тегишли тармоқ ва подстанцияларни таъмирлаш ишлари ҳам бошланган. Иссиқлик станциялари барқарор ишлаши учун зарур ёқилғи, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар захиралари шакллантирилмоқда.

Йиғилишда соҳа инфратузилмасини изчил модернизация қилиб, энергия етказиб бериш узлуксизлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

**ЎзА**

## ГИГАНТ ЗАВОДНИНГ БЕҚИЁС ҚУВВАТИ

**Янги Ўзбекистоннинг йирик лойиҳаларидан бири, дунёнинг бешинчи гигант заводи сифатида "Uzbekistan GTL" корхонаси тўлиқ қувватда иш бошлади. "Uzbekistan GTL" корхонаси иқтисодий ислоҳотлардаги катта қадамлардан биридир. Мажмуада ишлаб чиқарилаётган дизель ёқилғисининг сифат даражаси энг юқори талабларга тўлиқ жавоб бериши билан эътирофга сазовор бўлмоқда. Натижада у нафақат Осиё, балки Европа бозорларига ҳам кириб бормоқда.**






### Ислоҳотлар амалда

Ушбу ҳаракатнинг фаол босқичи 2016 йилда давлатимиз раҳбарининг GTL заводи ва Шўртан газ-кимё мажмуасининг технологик ва ишлаб чиқариш интеграцияси орқали ҳудудда биринчи газ-кимё кластерини яратиш бўйича ташаббуси билан бошланган эди. Йирик мажмуанинг очилиш маросими 2021 йили 25 декабрь куни давлатимиз раҳбари иштирокида бўлиб ўтганди. Корхона 2022 йил 29 июндан маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади. Бугун заводда 1100 га яқин иш ўрни яратилди. У ерда меҳнат қилаётганларнинг аксари қашқадарёлик ёшлар. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган дизель, авиакеросин, нафта ва суюлтирилган газ синтетик ёқилғи маҳсулотлари узлуксиз равишда Республика товар-хомашё биржаси савдо платформаси орқали реализация қилиниб, истеъмолчиларга етказиб бериляпти.

Давоми 3-бетда



Тараққиёт одимлари

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МИЛЛИЙ БОЗОРИ

## УНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

**Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади ва уларнинг салмоқли қисми хорижий тилларни яхши билади. Бу Ўзбекистон "иқтидорлар маркази"га айланиши учун қулай имкониятдир. Қолаверса, мамлакатимизда IT-парк резидентлари 2800 дан ошди, хорижий компаниялар 752 тага етди. Бу соҳада 40 мингдан зиёд ёшларимиз юқори даромад топяпти ҳам.**



Халқаро сертификатни қўлга киритган ёшларнинг ойлик маоши 35 миллион сўмгача етади. Шунинг ўзи IT сертификати рақобат юқори бўлган бозорда қанчалик муҳимлигини кўрсатади.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида Рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий "IT-HUB"га айлантириш вазифаси қўйилган. Мазкур жараёнда хотин-қизлар фаоллигини ошириш муҳим. Чунки бу улар учун нафақат шахсий ривожланишига замин яратади, балки билим ва малака эшикларини очади, молиявий аҳволини яхшилайди, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассис бўлиб шаклланишига кўмак беради.

Давоми 5-бетда

## МАҚСАДИМИЗ БУЮК ВА ҚАТЪИЙ, ШАШТИМИЗ БАЛАНД

## НАТИЖАЛАР ҲАМ ШУНГА ЯРАША



**Президентимизнинг шу йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида миллий истиқлолимизнинг 34 йиллик шонли санаси янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига муносиб тарзда юксак савияда ўтказилиши белгиланди.**

Юртимизда мустақиллик йилларидаги кенг кўламли ислоҳотлар самарасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, суверенитетимиз, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди. Тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини кучайтириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Давоми 2-бетда

www.yuz.uz — yuz.uznews — yuz_official — yuz.uz_news — yuz.uz





## Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

# МАҚСАДИМИЗ БУЮК ВА ҚАТЪИЙ, ШАШТИМИЗ БАЛАНД

## НАТИЖАЛАР ҲАМ ШУНГА ЯРАША

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бошланиши 1-бетда



**Жамила БОБОНАЗАРОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси**

**Жаҳондаги энг йирик бозор ва энг йирик экспортчи сифатида Европа Иттифоқи ўз товарларининг жаҳон бозоридаги ҳаракатини рағбатлантириш ва ташқи савдо, иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришни истайди. Шу сабабли ҳам Марказий Осиёга интилмоқда, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпти.**

Айниқса, янги Ўзбекистонни барпо этишга киришилгандан кейинги ўтган қисқа муддатда иқтисодиёт шиддат билан ўсиб, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми тарихда биринчи марта 110 миллиард АҚШ долларидан ошди. “Яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтиш, муқобил энергия манбаларини яратишга доир улкан дастур ва лойиҳалар иқтисодиётимиз ривожини янги босқичга олиб чиқиш, рақобатбардошлигини таъминлаш, асосийси, юртдошларимиз турмуши фаровонлигини янада оширишга замин яратиши шубҳасиз.

Бугунги кунга келиб, дунё ҳар қачонгидан ҳам нотинч бўлиб бормоқда. Ўзаро савдо урушлари, қуролли можаролар ўша ҳудудларда яшовчи аҳоли ҳаётига катта хавф солиш, тинкасини қуритиш билан бирга жаҳон иқтисодиёти барқарорлигига сезиларли салбий таъсир қиляпти. Мана шундай мураккаб шароитда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёнлари амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Жумладан, юртимиз халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида минтақа ва глобал даражада фаол прагматик ташқи сиёсат юритиб, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантирмоқда.

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи анъанавий шериклар бўлиб, кейинги йилларда бу муносабатлар янги босқичга чиқди. Хусусан, Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, сўнгги йилларда чуқур тарихий илдизларга эга бўлган муносабатларимиз ҳозирги замон шароитида жадал ривожланаётгани ва ҳар томонлама мустаҳкамланаётганини алоҳида қайд этди. Жумладан, “Биз геосиёсий зиддиятлар, хавфсизлик муаммолари, йирик минтақавий можароларнинг ҳамда барқарор тараққиётга нисбатан ижтимоий ва иқтисодий таҳдидларнинг кучайишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аёнки, ҳеч бир минтақа кенг халқаро ҳамкорликсиз бу қадар мураккаб масалаларни мустақил ҳолда ҳал этишга қодир эмас. Шу муносабат билан таъкидлашни истардимки, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи анъанавий шериклар бўлиб, ўзаро яқин ҳамкорлик учун талаб фақат ўсиб бормоқда. Биз ҳам Европа томони каби халқаро ҳуқуқнинг тамойил ва меъёрларига содиқлигимизни билдирамиз”, деди.

Европа Иттифоқи дунёдаги энг ривожланган минтақавий интеграция блокидир. Иттифоқ 27 давлатни, жумладан, “катта еттилик”ка аъзо учта мамлакат — Германия, Франция ва Италияни бирлаштирган. Тузилма ҳудудида 500 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Минтақанинг номинал ялпи ички маҳсулоти 19 триллион евродан ошади. Сотиб олиш паритетига кўра, 26 триллион еврога тенг.

Жаҳондаги энг йирик бозор ва энг йирик экспортчи сифатида Европа Иттифоқи ўз товарларининг жаҳон бозоридаги ҳаракатини рағбатлантириш ва ташқи савдо, иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришни истайди. Шу сабабли ҳам Марказий Осиёга интилмоқда, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпти.

2024 йилда мамлакатимиз ва ЕИ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларни ташкил қилиб, ўтган йилдагидан 5,2 фоиз ўсган. Юртимизда Европа капитали иштирокидаги мингдан ортиқ корхона фаолият кўрсатади, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 миллиард еврога етган.




Мамлакатимизнинг Россия, Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Туркия ҳамда Осиёнинг йирик давлатлари билан ҳамкорлиги, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлари ҳам кейинги йилларда янада мустаҳкамланди. Айниқса, минтақа мамлакатлари билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида кўплаб ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон БМТ, ШҲТ, МДҲ, ТДТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида терроризм ва бошқа таҳдидларга қарши кураш, тинчликни таъминлаш соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантирди. Президентимиз БМТ Бош котиби Антониу Гутеррișга жаҳонда ҳамжиҳатлик ва бирдамликни фаол илгари суриш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, диёримиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Ўзбекистоннинг олий давлат мукофотларидан бири — олий даражали “Дўстлик” орденини тантанали топшириши глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кенг кўламли ислоҳот ва ташаббусларимиз, шунингдек, БМТ институтларининг республикамиздаги фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон ички сиёсатидаги ижобий ўзгаришларга ҳам эътибор қаратиш лозим. 2025 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича ЯИМ ҳажми 6,7-6,8 фоиз атрофида шаклланиши кутилмоқда. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,3 фоиз, бозор хизматлари 13,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги 4 фоиз, қурилиш ишлари 9,7 фоиз ўсиши кутиляпти.

Бозор хизматлари ҳажми 459,7 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 13,5 фоиз кўпайди. Бунда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 23,2 фоиз, молиявий хизматлар 18,2 фоиз, транспорт 13,6 фоиз, савдо 9,2 фоиз, таълим 9,1 фоиз, яшаш ва овқатланиш хизматлари эса 7,5 фоиз юқори бўлиши ҳисоб-китоб қилинган. Шунингдек, савдо ва пуллик хизматлардан тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25,9 фоиз ўсди.

Биринчи ярим йилликда экспорт ҳажми 16,9 миллиард долларни ташкил этди. Бунда товар ва хизматлар экспорти (махсус экспортсиз) 23 фоиз ошиши кутилмоқда (10,4 миллиард доллар).

Умуман олганда, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятидаги туб ўзгаришлар экспорт ривожида ҳам ўз аксини топмоқда. Биринчи ярим йилликда экспорт ҳажми, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, қарийб 17 миллиард долларга етиб, 33 фоиз ўсгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу, албатта, изчил, оқилона ва халқпарвар иқтисодий сиёсат самарасидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Бу борада қатор тизимли ишлар йўлга қўйилгани, жумладан, соддалаштирилган экспорт тартиблари, электрон платформа орқали экспорт қилиш имкониятлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурлари, янги экспорт бозорларини ўзлаштириш бўйича сиёсий ва дипломатик фаолиятни кенгайтириш каби чора-тадбирлар катта самара бермоқда.

Натижада дастлабки олти ойда 1557 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб қилиниб, улар томонидан 650 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳити тубдан яхшиланганини, мақсадимиз буюк ва қатъийлиги, шаштимиз баландлиги, қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳаракатларимизга яраша эканини кўрсатади.

Мамлакатимизда аграр соҳани модернизация қилиш, саноатни маҳаллийлаштириш, қурилиш материаллари кластерини шакллантириш, туризм ва ахборот технологиялари соҳаларини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар ҳам экспортни барқарор ўстиришда самарасини бермоқда. Хусусан, мева-сабзавот экспорти 243 миллион долларни ташкил этиб, 140 фоиз ўсишга эришилди. Заргарлик маҳсулотлари экспорти 4,6 баробар ўсиб, 170 миллион долларга, ахборот хизматлари 219 миллион долларга (193 фоиз ўсиш), туризм 705 миллион доллар (154 фоиз ўсиш)га етди.

Экспорт ўсиши ҳудудий жиҳатдан ҳам юқори суръатда кечмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида ўсиш 493 миллион доллар (131 фоиз), Самарқандда 138 фоиз, Сурхондарёда 162 фоиз, Фарғона, Хоразм, Навоийда 100 фоиздан юқори. Бу эса маҳаллий ҳокимиятларга кенг ваколатлар бериш, ҳудудий лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва экспорт инфратузилмасини яратиш сиёсатининг муваффақиятини кўрсатади.

Бундай салмоқли натижалар мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, мамлакатимизда айни пайтда кечаётган тарихий янгиланиш жараёнлари, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар юртдошларимиз фаровонлигини ошириш, имконият ва салоҳиятини юзага чиқариши учун шароит яратиш орқали бугунги яшаётган кунидан розилигига эришиш, ватанимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Бошқача айтганда, барчаси Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

# ҲЕЧ КИМ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛГАНИ ЙЎҚ!

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ИШЛАШИ УЧУН АДОЛАТЛИ ТИЗИМ, ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛЯПТИ

### Инсон қадри учун

**Қизилтепа туманидаги “Давлат-2000” фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришда ҳар йили намуна кўрсатиб, мўл хирмон кўтаради. Фермер хўжалиги раҳбари Усмон Ҳайдаров қишлоқ хўжалиги сиру синоатини яхши тушунган, йиллар давомида ерга меҳр бериб келган деҳқонлардан бири. Ҳаракат ва иштиёқ инсон саломатлиги билан ҳисоблашмайди. Мақсад бўлса кифоя. Усмон Ҳайдаров 40 ёшида буғдой ўримида бахтсиз ҳодиса сабаб бир оёғидан айрилган. Аммо ўз ишига меҳри, шижоати асло сўнмади.**

Мамлакат ривожи йўлида хизмат қилиш ва халқ фаровонлигига ҳисса қўшиш юртини севадиган ҳар бир инсоннинг бурчидир. Ана шу бурчни бажариш учун ҳам кенг ва тенг имконият керак бўлади. Туғма ёки бахтсиз ҳодиса сабаб ногиронлар рўйхатига кирган инсонлар ҳам бошқалар қатори меҳнат қилишни истайди. Бунинг учун уларга имкон берилса бўлди. Яқин-яқингача бундай инсонлар ишга жойлашишда сунъий тўсиқларга дуч келгани бор гап.

Президентимизнинг 2025 йил 8 майдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони худди шундай орзулар рўёбини янада осонлаштириш, замонга мос тарзда шарт-шароит яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фармонда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурига мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиш имкониятини чеклайдиган салбий омилларни бартараф этиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш ва ишли бўлишига ёрдамлашиш орқали жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш назарда тутилган.

Навоий вилоятида фармонда белгиланган вазифалар амалда ижро этилаётганини Усмон Ҳайдаров каби матонатли инсонлар ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин.

— Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли, пахта ва ғалла етиштириш билан бирга чорвачиликни ҳам йўлга қўйганмиз, — дейди “Давлат-2000” фермер хўжалиги раҳбари Усмон Ҳайдаров. — Бу юртда меҳнат қилган инсон кам бўлмайди. Айниқса, биз каби имконияти чекланганлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соғ инсонлар қаторида меҳнат қилишимизга замин яратмоқда. Туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари доим ҳолимдан хабар олади. Уларнинг кўмаги билан замонавий ва ҳар томонлама қулай протез олиб берилди. Шундан кейин қайта туғилгандай бўлдим. Ҳозир аввалгидек қийналмаяпман. Фермер хўжалигимни ҳам ишчиларим ёрдамида самарали юритиб келмоқдаман. Келгусида қишлоқ хўжалигида бундан ҳам яхши натижаларга эришишга ҳаракат қиламиз.

Қизилтепа туманида 2022 йилда фаолият бошлаган, қурилиш учун махсус қўлқоплар ишлаб чиқариладиган корхонада ҳам бандлик борасида имкониятлар кенг. Россия билан ҳамкорликда иш бошлаган қўшма корхонада турли касалликлари билан рўйхатда турадиган фуқаролар имкониятидан келиб чиқиб иш билан таъминланган.

43 ёшли Шерзод Ўринов юрак билан боғлиқ мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётини ўтказган. Шу боис, у доимий тиббий назорат ва муолажага муҳтож. Узлуксиз даромадли иш билан банд бўлиш умидини узган Шерзод давлатимиз раҳбари фармонидан кейин туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилади. Унинг жарроҳлик амалиётидан кейинги саломатлиги инобатга олиниб, корхонада имкониятига мос иш билан таъминланди.

25 ёшли Жасурбек Жабборов ҳам тенгдошлари қатори соғлом, бақувват йигит эди. 18 ёшида бахтсиз ҳодиса сабаб бўйин синиши ва нерв тўқималари узилишидан сўнг бир оёғида ҳаракат чекланди. У махсус аравада юрса-да, меҳнат қилишга иштиёқи сўнмади. Жасурбек ҳам бугун шу корхонада қўлқопларни ўнглаш ва қадоқлаш бўлимида ишлаяпти.

— Президентимиз фармонида ногирон фуқаролар бандлигини таъминлаш назарда тутилган. Уларнинг фаолияти учун шароит яратиб берган тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш, рағбатлантириш назарда тутилган, — дейди Қизилтепа тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази мутахассиси Саломат Садирова. — Айни вақтда марказимиз томонидан тумандаги ногиронлиги бўлган 82 фуқаро турли корхона ва ташкилотларга имкониятига мос ишга жойлаштирилди. Шунингдек, улар орасида имтиёзли кредит асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, чорвачилик, паррандачилик ва новвойчилик билан шуғулланаётган, ўзини ўзи банд қилаётган фуқаролар ҳам бор. Айни вақтда корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бу борадаги ишларни давом эттирмоқдамиз.





Имконияти чекланган бўлса-да, муносиб шароитда ишлаб, ҳаётидан рози бўлиб яшаётган, бошқалар қўлига қараб эмас, аксинча, меҳнати эвазига бошқалар корига ярашни мақсад қилганлар талайгина. Кармана туманида истиқомат қилувчи Муродулло Ҳожиев ҳудуддаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида хўжалик мудири бўлиб иш бошлади. Қўл-оёқ ҳаракатлари ва сўзлашишда имконияти чекланган бўлса-да, тез орада жамоада ўз ўрнини топди. Бугун уни ҳамкасблари масъулиятли, ҳаракатчан, янгиликка интилувчан ходим сифатида эътироф этяпти. Бир қизини турмушга узатган қаҳрамонимизнинг аёли ҳам ногиронлиги боис, меҳнат қилиш лаёқатига эга эмас. Рўзғор аравасини тортиш ёлғиз Муродуллонинг зиммасида. Аммо бу синовлар унинг шижоатига тўсиқ бўла олмади. У илм йўлида ҳам яхши натижа кўрсатиб, иқтисодиёт йўналишида олийгоҳни тамомлаган.

— Шу ишим туфайли ўзимни имконияти чекланган деб ҳисобламайман, — дейди Муродулло Ҳожиев. — Ногиронлиги бўлган фуқаролар учун шунча имтиёзлар ва шароитлар яратиб берилмоқда. Бу каби эътибордан заррача имконияти бўлган инсон ҳам самарали фойдаланиши лозим. Туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ишга қабул қилинганимдан кейин бу тизим орқали имконияти чекланган қанчадан қанча инсонлар, ёлғиз нуронийлар ва эҳтиёжманд оилаларга давлат томонидан кўмак берилаётганига бевосита гувоҳ бўлдим. Бу юртда ҳеч ким эътибордан четда эмаслигини ҳис қилдим.

Ҳар куни ишга шошиб жўнаш, жамиятда ўз ўрнинг борлигини билиш бахт. Фақат буни ҳар куни ҳам ҳис этавермаймиз. Яхши мутахассис сифатида эътироф этилиш эса икки ҳисса бахт. Элбек Ҳакимов кўз касалликлари боис, 2-гуруҳ ногирони ҳисобланади. У билими, салоҳияти, имкониятлардан тўғри фойдалана олгани сабаб вилоят божхона бошқармасида ғазначи сифатида меҳнат қиляпти.

Фойдали ва даромадли иш билан банд бўлиб, имконияти чекланган, лекин шижоати, илмига иштиёқи сўнмаганлардан яна бири Муҳаммад Асадовдир. Унинг кўзлари ожиз бўлса-да, ўқитувчи бўлишдек орзуси армонга айланмади. Ҳозир Навоий шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабида тарих фанидан ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Бу каби матонатли инсонлар орамизда талайгина.

2024 йил 20 февраль куни давлатимиз раҳбари раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш масаласига эътибор қаратилган эди. Хусусан, банк тизимида ишлашга лаёқати бор ва мутахассислиги, имкониятидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган мингдан ортиқ шахсни ишга жойлаштириш вазифаси юклатилди. Шундан сўнг бу тоифадаги кўплаб юртдошларимиз тижорат банкларида ҳам ишлаш имкониятига эга бўлди.

— Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда банк тизимида ишлаш истагида бўлган, имконияти чекланган 60 дан зиёд фуқаро билан суҳбат ўтказилди, — дейди Миллий банк Навоий вилояти филиали бошқарувчиси ўринбосари Лазиз Холмедов. — Ҳозир шу тоифадаги 6 юртдошимиз ишга қабул қилинди. Улар “устоз-шогирд” анъанасига кўра, тажрибали ходимларга бириктирилди. Бу борадаги ишларимиз давом этмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ёнғин хавфсизлиги тизимида ишлашини аввал тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Аммо ҳозирги имкониятлар даври бундай қарашларни йўққа чиқармоқда. Турли соҳалардаги меҳнат шароити, талаблари ўрганилиб, ногиронлиги бўлган фуқароларга ҳам ўзига муносиб иш топиб бериляпти.

Зарафшон шаҳрида 20 ёшидан бери яшаб келаётган Жонибек Нарзиев пойабзал таъмирлаш устахонаси очиб, шу орқали рўзғор тебратар эди. Давлат органларида ишлаш унинг орзуси, аммо соғлиғидаги муаммо сабаб “Бу имконсиз”, деб умидини узганди. Бироқ Президентимизнинг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилингач, у шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлимига диспетчер лавозимида фаолият бошлади.

— Аввал давлат ташкилотларига иш сўраб борганимда, имкониятим чеклангани, оқсаб юришимни кўриб рад этишган, — дейди Жонибек Нарзиев. — Шунинг учун пойабзал таъмирлаш устахонаси очиб, шу иш билан шуғулландим. Тўғриси, офисда ишлашдан умид узган эдим. Президентимиз айни масалага эътибор қаратгандан кейин биз учун янги имкониятлар эшиги очилди. Фавқулодда вазиятлар тизимига ишга кирганимдан, сафдошларим қаторида ватанимга хизмат қилаётганимдан жуда хурсандман.

Инсон қадри ва манфаатлари ҳамиша улуғланган юртимизда қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат мамлакат тараққиёти, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қиляпти. Хусусан, юқорида тилга олинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ҳам юртдошларимиз орзу ва мақсадлари йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилаётгани айни ҳақиқат.

Зеро, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ким ва қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар, меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли ва уларнинг жамият ривожига ҳисса қўшишдек эзгу мақсадлари мамлакатимизда доим қўллаб-қувватланади.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

UNG Uzbekistan GTL

# ГИГАНТ ЗАВОДНИНГ БЕҚИЁС ҚУВВАТИ

Бошланиши 1-бетда

## Нарх пастлашига эришилди

Завод ишга тушиши натижасида ички бозорда дизель нархи арзонлашди. Мисол учун, завод маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлашдан олдин 1 тонна дизель нархи ўртача 18,5 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бугун 9,5 миллион сўмгача пасайди.

Бу эса республикада дизелнинг асосий истеъмолчилари бўлган қишлоқ хўжалиги, тоғ-металлургия комбинатлари учун транспорт харажатларини пасайтириш, уларнинг маҳсулотлари рақобатбардош бўлиши имконини кенгайтирди.

2022 йил 11 сентябрдан заводда ASTM D-7566 халқаро стандарти ва технология лицензиарининг техник талабларига мос синтетик авиакеросин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, авиакеросиннинг 23 та асосий физик-кимёвий ва техник кўрсаткичи тўлиқ талаб даражасига, хусусан, асосий кўрсаткичлардан бири бўлган музлаш ҳарорати халқаро стандарт даражасида (-47 С) экани синовларда ўз исботини топди.

Синтетик авиакеросиннинг биринчи босқичи авиасоҳани тартибга солувчи IATA халқаро ташкилоти тавсиясига кўра, ярим синтетик Jet A-1 сифатида мувофиқлик сертификатини олиш учун SGS компаниясининг Эстония, Бельгия ва Франциядаги лабораторияларига таҳлил ва тегишли хулосалар олиш учун юборилди ва ижобий жавоб олинди.

Жумладан, “Boeing” ҳамда “Airbus” компаниялари ўз самолётларида синтетик авиакеросиннинг анъанавий Jet A-1 авиаёқилғиси билан 50 фоизгача аралашмасини ишлатиш мумкин эканини маълум қилди. 2022 йил сентябрь ойидан эса “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясининг барча самолётлари замонавий ярим синтетик Jet A-1 авиаёқилғиси, яъни GTL синтетик керосинида парвозларни амалга оширишни бошлади.

Завод чет эл авиакомпаниялари самолётларини ҳам сифатли авиаёқилғи билан таъминламоқда. Ҳозир экологик тоза авиаёқилғига талаб ошиб боришини ҳисобга олсак, Ўзбекистон келгусида ҳаво кемалари учун хабга айланиш имкониятига эга.

## Ҳавога зарарли чиқиндилар чиқиши 40 фоиз камаяди

Давримизга келиб, экология ва атроф муҳитни асраш глобал масалага айланди. Шу боис, ҳар бир соҳада экологияни асрашга жиддий эътибор бериш зарур. Айниқса, ишлаб чиқаришда бу янада долзарблик касб этади. Шу маънода, корхона маҳсулотлари экологик тоза экани билан ажралиб туради. Бундай натижага эришиш учун корхонага GTL технологияси танланган. Мазкур технология нафақат юқори сифати сабаб, маҳсулотнинг экологик тозалиги билан ҳам халқаро бозорда харидоргир.

Завод маҳсулоти атроф-муҳитга бошқа ёқилғиларга нисбатан кам зарар етказиши исботланган. Синовлар кўрсатадики, GTL дизели “осон биологик парчаланадиган” ва “нотоксик” деб таснифланиши мумкин. Яъни GTL дизели анъанавий дизель ёқилғига қараганда инсон саломатлиги учун ҳам хавфсизроқдир. Дизель транспорт двигателларида 100 фоизли GTL ёқилғисидан фойдаланиш чиқинди газларни камайтириш орқали ҳаво сифатини яхшилашга ёрдам беради. Ёқилғи ёнганда заҳарли чиқиндилар, жумладан, олтингугуртли заҳарли бирикмаларни деярли чиқармайди. Шу орқали ҳавога зарарли чиқинди чиқиши 40 фоиз камаяди.

Бундан ташқари, GTL ёқилғисидан мунтазам фойдаланиб келган автомобиль транспортларининг ёқилғи ва мойловчи қисмларига техник хизмат кўрсатиш оралиғи тахминан икки баравар узаяди.





Ислоҳотлар амалда

## Электр энергиясида муаммо йўқ

Заводни электр энергияси билан таъминлашда ҳам инновацион технологик ечим қўлланилган. Корхонада технологик жараёнларда ҳосил бўладиган буғни генераторларга юбориш орқали электр энергияси ишлаб чиқарилади. Ўрнатилган генераторларнинг умумий лойиҳавий қуввати 85 МВт/соатгачадир.

Бугунги кунда GTL заводи эҳтиёжидан ташқари 45 МВт.гача бўлган электр энергияси республика миллий электр тармоғига узатиляпти. Ушбу қўшимча қувват Шўртан газ-кимё мажмуаси, Шўртан нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар, жумладан, турар жой бинолари ва тадбиркорлик субъектларини электр энергияси билан таъминлаш имконини яратади.

Умуман, корхонада жаҳондаги энг етакчи ва илғор технологик ечимлар қўлланилган. Жумладан, дунёдаги энг катта ҳаво сиқувчи компрессор ва энг катта кислород ишлаб чиқарадиган ускуналар шу ерда ўрнатилган. Завод 30 дан ортиқ давлатнинг халқаро талабларга мос келадиган қурилмалар билан жиҳозланган. Жумладан, ZLD (zero liquid discharge) технологияси қўлланилган. Бу технология атроф-муҳитга оқова сувни чиқармаслиги билан ажралиб туради. Яъни технологик жараёнлардан чиққан сув тозаланиб, яна тизимга қайта йўналтирилади. Шунинг ўзиёқ бебаҳо бойлик бўлган сувни асраш, табиатни зарарли чиқиндилардан ҳимоя қилишда жуда катта натижадир.

## Арктик дизель мавсумга мос

Заводда ўта паст ҳароратга бардошли арктик турдаги GTL дизель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу турдаги ёқилғини ҳар қандай аномал совуқда ҳам ишлатиш мумкин.

Таъкидланишича, совуқ кунлар бошланиши олдидан корхонада арктик турдаги GTL дизель маҳсулотлари ишлаб чиқариш режимига ўтилади. Муҳими, ўта паст ҳароратга бардошли ёқилғи ишлаб чиқаришда дизель маҳсулотларига фақат кимёвий қўшимчалар қўшиш эвазига эмас, балки Isodewaxing реакторларида уларнинг тузилмасини ўзгартириш орқали эришилмоқда.

Дизель маҳсулотлари мавсумийлигига қараб ёзги, қишки ва арктик турларга бўлинади. Белгиланган стандарт талабларига кўра, ёзги ёқилғи ҳаво ҳарорати минус 5 даражагача, қишкиси минус 32 даражагача, арктик турдагиси эса минус 47 даражагача бўлса, ўз хусусиятини йўқотмайди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган синтетик GTL дизель маҳсулотлари эса ҳатто цельсий бўйича минус 54 даража совуқда ҳам ўз ҳолатини барқарор сақлаб қолади.

## Ёшлар учун имкониятлар майдони яратилган

“Uzbekistan GTL” МЧЖда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида изчил ва тизимли ишлар олиб борилмоқда. Корхона ходимларининг қарийб 50 фоизи — 475 нафари ёш. Улар муҳандис-технологлар, оператор-техниклар, смена раҳбарлари ва мутахассислардир. Корхонадаги ўртача ёш 33 ёшдир. 352 нафар ёш ходим чет тил бўйича сертификатга эга бўлиб, халқаро даражада ишлаш салоҳиятига эга.

Ҳа, корхонада ёшлар сиёсатига алоҳида даражада эътибор қаратилган. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида 2025 йил 1-ярим йиллигининг ўзидаёқ икки марта “Zakovat”, шахмат ва шашка мусобақалари ўтказилди. Қолаверса, вақти-вақти билан киберспорт, мини футбол каби мусобақалар ҳам ташкил этиляпти. Ёшлар ташқи мусобақаларда ҳам фаол. Хусусан, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ташкилотлари ўртасида мунтазам ўтказиладиган “Zakovat”, “Brain Ring”, “Cyber Champions”, “Xakaton” ўйинларида ғолиб бўлиб келишади.





Шу билан бирга, ёшлар орасида “Келажак бунёдкори” давлат мукофоти совриндорлари ва “Эл-юрт умиди” грантини ютиб, Япония ва Австралиянинг нуфузли университетларида ўқиб келаётган ёш мутахассислар анчагина. Шунинг ўзиёқ корхона ишчилари ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан кучли эканини кўрсатади. Уларнинг бундай имконияти ушбу катта лойиҳани ишга туширишда қўл келгани қувонарли. Ҳа, Ўзбекистон тарихида биринчи марта маҳаллий ишчилар шундай катта заводни муваффақиятли тарзда ишга туширди.

Корхонада кадрлар тайёрлаш ҳамда иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда стипендиялар дастури жорий қилинган бўлиб, нефть ва газ соҳасида таҳсил олаётган билимга чанқоқ, истиқболли, аниқ мақсад сари интилувчан ёшлар қўллаб-қувватланади.

Ўтган йиллар давомида мазкур стипендиялар дастурида турли олийгоҳлар талаба ёшлари иштирок этиб, “Uzbekistan GTL” компанияси стипендияси соҳибига айланмоқда. Бугун уларнинг аксарияти шу ерда меҳнат қиляпти. Чунки ҳар йили ушбу танловда муваффақиятли иштирок этган талабалар заводда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ имконига эга бўлади. Амалиёт даврида талабалар 3 маҳал иссиқ овқат, ётоқхона, транспорт ва махсус кийимлар билан бепул таъминланади. Талабаларга масъул мутахассислар бириктирилиб, ҳар йили 200 дан зиёд ёш амалиёт ўташига замин яратилган.

## Таълим-ишлаб чиқариш кластери самара бермоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 июлдаги “Нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида заводда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълим-ишлаб чиқариш кластери ташкил этилиб, бир қанча олийгоҳлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Нефть ва газ соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида ижобий ишлар қилинди. Кластер тизимида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, тўрт босқичли дастур йўлга қўйилган. Бунда соҳага оид олийгоҳлар талабалари амалиётини ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини заводда ошириб бориш, ишчи-ходимларни мунтазам ўқитиш ҳамда мутахассислар олий таълим муассасаларига бориб ўқув машғулотлари ўтади. Бунинг самараси, албатта, амалда намоён бўлмоқда. Кадрлар салоҳияти ошиб бориши билан бирга бўлажак ходимлар ҳам бевосита тайёр мутахассис бўлиб ишга келяпти.

## Дунё эътирофида

2022 йил 8 декабрь куни АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида нефть-газ ва кимё саноати соҳасидаги энг нуфузли “Platts Global Energy Awards” мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда корхона “S&P Global Platts” агентлигининг “Углеводородларни қайта ишлаш соҳаси ва кимё саноати” номинациясида ғолиб дея эълон қилинди.

Албатта, бу юксак натижани қўлга киритишнинг ўзи бўлгани йўқ. Ғолибликка саралашда бу ерда халқаро стандартларга тўлақонли мос келувчи юқори сифатли ва экологик тоза ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, маҳсулотлардан фойдаланилганда атмосферага заҳарли чиқинди газлар шаклланиши мавжуд эмаслиги инобатга олинди. Шунингдек, заводнинг ишлаб чиқариш жараёнида инновацион технологиялар, илғор трансформациялар татбиқ қилиниши ва энергетика соҳасида нобарқарор пайтларда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг оперативлиги ва мослашувчанлиги ҳисобга олинган.

GTL патентланган “Sasol” технологияси асосида табиий газдан ишлаб чиқарилган мутлақ синтетик, юқори сифатли ўрта дистиллатли ёқилғидир. У Европанинг энг юқори стандартларига жавоб бергани учун Евро-6 авлодига (К-6) мансуб бўлиб, премиум класс тоифасидаги ёқилғилар қаторига киради.

GTLнинг анъанавий ёқилғидан устунлик жиҳати таркибида олтингугурт ва ароматик углеводородлар деярли йўқлиги, цетан сони жуда юқорилиги, ўзи деярли ҳидсиз ва рангсиз экани ҳамда EN15940 Европа стандартининг барча талабига жавоб беришидадир.

## Тўлиқ қувватда ишлашни бошлади

Ўтган 2024 йил январь ойида давлатимиз раҳбари раислигида инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижроси доирасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг тасарруфидаги “Uzbekistan GTL” заводида ишлаб чиқарилаётган синтетик маҳсулотларни REACH сертификациясидан ўтказиш тадбирлари бошланиб, бу жараён 8 ой давом этди.

Ҳаракатлар ўз натижасини берди. Экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида “Uzbekistan GTL” заводи Европа Иттифоқининг кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ва айланмаси бўйича расмий органи бўлган Европа кимё агентлиги (European chemicals agency)да GTL дизель ёқилғисини REACH сертификациясидан муваффақиятли ўтказди.

Мазкур сертификат Европа бозорларига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган синтетик маҳсулотлар экспорти ҳажмини бир неча баробар ошириш ҳамда GSP+ дастури доирасида экспорт географиясини кенгайтириш имкониятини яратади.

Бугуни кунда “Uzbekistan GTL” заводи Европа кимё агентлигининг REACH регламент талабларининг барча босқичларини муваффақиятли якунлади ва GTL дизель ёқилғиси учун сифат сертификати тақдим этилди.

— Режавий капитал таъмирлаш ишларидан сўнг 2025 йилнинг июнь ойида “Uzbekistan GTL”нинг “Air Products” компанияси билан ҳамкорликда ўтказилган “Performance test”, яъни 100 фоиз ишлаб чиқариш юкламаси остидаги синови муваффақиятли якунланди. Бу заводнинг тўлиқ қувватда барқарор ишлаш хусусиятини намоён этди. Синов натижалари заводнинг юқори даражадаги тайёргарлиги ва халқаро стандартларга мослигини кўрсатди, — дейди “Uzbekistan GTL” корхонаси бош директори Алишер Баҳодиров. — Ҳолбуки, дунё бўйлаб GTL технологияси асосида қурилган 4 та заводнинг ҳеч бири ҳозирги кунга қадар 100 фоиз қувватда ишлаш кўрсаткичларини намоён этмаган.

Ҳозир 100 фоиз қувватда “Performance test”ни муваффақиятли амалга оширган завод йиллик 700 минг тонна дизель, 450 минг тонна нафта, 300 минг тонна керосин, 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқара олади.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

## энергиятежамкор лойиҳалар орқали “углерод изи”ни камайтиришни жадаллаштиради

Кун мавзуси

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси**

**Давримизнинг долзарб муаммосига айланган, сайёрамиз тараққиётига жиддий тўсиқ бўлаётган иқлим ўзгаришлари бугун глобал таҳдид сифатида дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу борада ўз вақтида чоралар кўрилмаса, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.**

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида Париж битими қабул қилинган. Ўзбекистон уни 2018 йил 3 октябрда ратификация қилган. Истиқболда мамлакатимиз иқлим ўзгаришига қарши кураш чора-тадбирларини кучайтириш, яъни 2030 йилга келиб, атмосферага иссиқхона газлари чиқаришни 2010 йилдаги даражага нисбатан 10 фоиз қисқартиришни режалаштирган эди. 2021 йил ноябрь ойида Глазго шаҳрида ўтказилган БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳадли конвенциянинг 26-йиғилишида делегациямиз томонидан бу кўрсаткични 35 фоизгача қисқартириш белгиланди.



Иқлим ўзгаришларининг асосий сабабчиси ҳисобланган иссиқхона газларини камайтириш, атмосферага чиқарилишини чеклаш дунё экологлари, тўғрироғи, инсоният олдида турган глобал муаммо бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, экологик хавфсизликни таъминлашга эътибор янада кучайди. Жумладан, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш бўйича қатор амалий ишлар бошланди, бир нечта институционал ўзгаришлар амалга оширилди.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш, оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг ягона давлат сиёсатини шакллантириш, шунингдек, Париж битими бўйича мамлакатимиз томонидан қабул қилинган мажбуриятларни самарали амалиётга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгаши иш бошлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тузилмасида ҳам биринчи марта иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтишни жадаллаштириш масалалари бўйича комиссия тузилди. Бу эса ушбу глобал муаммога парламент даражасида ечим топишда муҳим роль ўйнайди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 7 июлдаги “Халқаро углерод бирликлари бозорида иштирок этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини алоҳида қайд этиш лозим. Фармон билан республиканинг иссиқхона газлари эмиссиясини глобал миқёсда камайтиришга қўшаётган ҳиссасини янада кенгайтириш ҳамда халқаро углерод бирликлари бозорига чиқишини ташкил этиш орқали инвестицияларни жалб қилиш, кам углеродли ривожланиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда инновацион ва энергиятежамкор технологияларни қўллаш орқали “углерод изи”ни камайтириш мақсадлари белгилаб берилди.

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги қонун эса мамлакатимизда ушбу зарарли газлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган муҳим тарихий ҳужжат бўлди.

Қонунда иссиқхона газлари чиқарилишини чеклашнинг асосий принциплари, бу борада давлат органларининг ваколатлари, юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, тартибга солинадиган ташкилотлар рўйхатини тузиш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, иссиқхона газлари чиқарилишини чеклаш чоралари, давлат томонидан унинг ҳисобини юритиш тартиб-қоидалари, атмосферага чиқариладиган зарарли газлар ва углерод бирликлари реестрини юритиш, газлар чиқарилишини қисқартириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, иссиқхона газлари чиқарилишини қисқартириш лойиҳалари натижасида ҳосил бўладиган углерод бирликлари муомаласи, қисқартирилган иссиқхона газларига эгалик муносабатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, иссиқхона газлари чиқарилишини чеклаш чораларини мониторинг қилиш, ҳисоботи ва верификация тизими асослари ҳамда тартиби ҳам кўрсатиб ўтилди.

Муҳим қоидалардан яна бири — углерод бирликлари савдоси натижасида ҳосил бўладиган маблағлар иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларини юмшатиш, экология соҳасидаги дастурлар, тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, циркуляр ва “яшил иқтисодиёт”, чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ соҳаларга белгиланган тартибда йўналтирилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Умуман олганда, мазкур қонун республикамизда иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш ва чеклашга, Париж битимига асосан иссиқхона газлари чиқаришни қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар бажарилишига, соҳадаги ислоҳотлар жадаллашишига ҳамда юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиши учун зарур шароит яратишга хизмат қилади.

ЖАРАЁН
yuz.uz_news yuz.uz
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН





Янгича ёндашувлар

# БУ ФАҚАТ ИҚЛИМ МАСАЛАСИ ЭМАС

## “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”НИ ИЧКИ ДРАЙВЕРГА АЙЛАНТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ



**Бугун барқарор иқтисодиётни таъминлашнинг муҳим омиллари қаторига “яшил иқтисодиёт” ҳам қўшилди. Бу фақат экологик муаммоларни ҳал этишдангина иборат жараён эмас. Энди унга ўзгарувчан дунёда рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Кўплаб давлатлар экологик зарурат сабаб “яшил иқтисодиёт” оқимига тушиб олди. Аммо унда илгарилаб бориш учун фақат истакнинг ўзи етмайди.**



Бир қарашда табиатнинг бегиннат инъомлари билан боғлиқ кўринган “яшил” технологияларни қўллаш биз ўйлаганчалик арзон ва содда эмас. Бунинг учун дадил институционал ислоҳотлар, давлат, бизнес ва жамият ўртасидаги яқин ҳамкорлик, энг муҳими, ўқитиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданиятини қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Бу борада кўп давлатлар ривожланишнинг айланма моделини танламоқда — чиқиндиларни кўмиш ўрнига қайта ишлаш, ортиқча истеъмол ўрнига ресурслардан самарали фойдаланиш, чораклик натижалар эмас, балки келгуси авлодлар манфаати нуқтаи назаридан фикр юритиш ва ҳоказо. Мамлакатимизда 2019 йилда Президент қарори билан қабул қилинган “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси” айни шу жиҳатларни, хусусан, айланма иқтисодиёт тамойиллари ва чиқиндиларни бошқариш тизимларини жорий этишни ўз ичига олади. Аммо стратегияни қандай қилиб амалий механизмга айлантириш мумкин? Синовдан ўтган ечимларни қаердан излаш керак?

Бунда турли ривожланган давлатлар тажрибаси намуна бўла олади. Шулардан бири Финляндия амалиёти бўлиб, мамлакат йигирма йилдан буён технологиялар, инсон капитали ва халқаро ҳамкорликка таянган ҳолда “яшил иқтисодиёт”ни изчил ва тизимли равишда ривожлантирмоқда. Буни шиорлар орқали эмас, балки аниқ ва амалий қадамлар билан амалга оширяпти. Хусусан, давлат хизматчиларини рақамли ўқитиш, “яшил” кўникмалар марказларини ташкил этиш, барқарор дизайн соҳасидаги стартапларни қўллаб-қувватлаш, юқори самарадорликка эга чиқиндиларни ёқиш натижасида ишлайдиган иссиқлик электр станцияларини қуриш каби ишлар орқали бажарилади.

Муҳими шундаки, бу ёндашувларнинг кўпчилигини Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва жорий этиш мумкин. Бунда миллий хусусиятлар, кадрлар салоҳияти, бизнес эҳтиёжлари ва шаҳар бошқаруви соҳасидаги



муаммоларни инобатга олиш, айниқса, долзарб. Бунинг учун эса тизимли ёндашув ва синовдан ўтган ечимлар зарур.

### Ўқув курсларидан бошқарув маданияти сари

Демак, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бу фақатгина экологик тоза, табиат учун зарарсиз, энергиятежамкор технологияларни қўллашдангина иборат эмас. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш миллий стратегиясида давлат идораларининг салоҳиятини ошириш, ESG тамойилларини жорий этиш ва қарор қабул қилишда экологик маданиятни шакллантириш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу жараён қонун ва меъёрлар билан, қолаверса, янги бошқарув маданияти ва давлат хизматчиларида замонавий компетенцияларнинг формаллаштирилиши орқали амалга ошиши мумкин.

Масалан, Финляндия бу йўналишда илғор тажрибага эга. Мамлакатда 2000-йиллар бошидан барча даражадаги давлат хизматчиларини тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган Давлат бошқаруви институти фаолият юритиб келмоқда. Унда нафақат давлат бошқаруви соҳаси бўйича, балки барқарор ривожланиш, ESG тамойиллари ва “яшил иқтисодиёт” асослари юзасидан ҳам кенг қамровли ўқув курслари таклиф этилади. Маълумотларга кўра, 2023 йилнинг ўзида 40 мингдан зиёд фин давлат хизматчилари ушбу курсларда билим ва кўникмаларини ривожлантирган.

Эътиборлиси, Институт ўз фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш орқали давлат хизматчиларини ўқитишни янада оммавий ва самарали ташкил этишга эришди. Хусусан, “eOppiva” платформаси 130 мингдан ортиқ фойдаланувчига 800 дан зиёд онлайн курслар орқали масофавий ўқиш имкониятини яратди. Бу курслар назария билан чекланиб қолмасдан, амалий кейслар ва бошқарув жараёнларига интеграциялашган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам давлат хизматчилари салоҳиятини ривожлантириш масаласи тобора долзарб бўлиб боряпти. 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилиниши давлат идоралари учун янги масъулият юклаган. Бу борада хориж давлатлари тажрибасидан фойдаланиш зарар қилмайди. Жумладан, мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар жараёнида Финляндия тажрибасини ўрганиш ва ўзимизга мослаштириш имконияти мавжуд. Ўзбекистонда ҳам “eOppiva” сингари миллий онлайн платформа яратиш давлат хизматчилари учун доимий ўқув имкониятини таъминлаши мумкин.

### “Яшил” кўникмалар — келажак мутахассисларининг асосий капитали

Гап янги авлод мутахассисларини тайёрлаш ҳақида боряпти. Булар чиқиндиларни қайта ишлаш технологиялари муҳандислари, ёпиқ айланма тизимлар лойиҳаловчилари, ресурсларни тежайдиган қишлоқ хўжалиги агрономлари, “яшил” аудит экспертлари ва ҳоказо. Экология ва барқарор ривожланиш соҳаларида кадрлар салоҳиятини ошириш, шунингдек, аҳолида экологик ва ресурслардан самарали фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Айниқса, юртимиз ҳудудларида қайта тикланадиган энергетика, чиқиндиларни рақамли бошқариш ва барқарор шаҳар инфратузилмаси соҳаларида кадрлар етишмаслиги Ўзбекистон учун жиддий тўсиқ ҳисобланади.

Финляндия бу масалани бутун бир таълим экотизими орқали ҳал қилаётгани эътиборга молик. Масалан, Эспоо шаҳридаги OMNIA амалий таълим маркази ҳар йили 30 мингдан зиёд инсонни — ўсмирлардан тортиб, мигрантлар ва давлат хизматчиларигача қайта тайёрлайди. Бу ерда барқарор қурилиш, чиқиндиларни рақамли бошқариш, энергия самарадорлиги бўйича соҳавий курслар ўқитилади. Ўқув дастурлари бизнес ва маҳаллий ҳокимият эҳтиёжларига тўлиқ мослаштирилган. 2023 йилда 4,5 мингдан ортиқ катта ёшдаги тингловчилар экологик ва рақамли технологиялар бўйича малакасини оширган.

Ёки яна бир мисол — Хельсинкидаги Метрополия амалий фанлар университетини олайлик. Таълим даргоҳи қошидаги Барқарор ечимлар маркази талабалар, муҳандислар ва тадбиркорлар учун инновациявий майдонга айланган. Бу ерда улар Carbon Garage, Robo Garage ва UrbanFarmLab каби лабораторияларда шаҳар деҳқончилигидан тортиб, иқлим технологияларига қадар прототиплар яратиб, синовдан ўтказмоқда. Лойиҳаларнинг асосий мақсади углерод изини камайтириш ва барқарор шаҳар муҳитини яратишга қаратилган.

Ўзбекистонда ҳам OMNIA ва Метрополия сингари марказлар концепциясини жорий қилиш ёки мавжуд касб-ҳунар марказларини “яшил” кўникмалар платформасига айлантириш орқали ўхшаш экотизимни барпо этиш мумкин. Бу нафақат иш ўринлари яратишга, шу билан бирга, мамлакатда барқарор ривожланишнинг кадрлар пойдеворини қўйишга хизмат қилади.

> **Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бораётганини инобатга олиб, ESG тамойилларини жорий қилиш орқали янги имкониятлар яратиш мумкин. Хусусан, экспортга йўналтирилган корхоналар халқаро бозор талабларига жавоб бериш учун барқарорлик бўйича сертификатлаш ва ўқув дастурларига эҳтиёж сезмоқда.**



### Инновациялар ва стартаплар: акселераторга айланган университет

Ўзбекистон стратегиясининг устувор йўналишларидан бири “яшил” тадқиқотлар ва технологик ечимларни рағбатлантиришдан иборат. Лекин инновациялар пайдо бўлиши учун зарур инфратузилма, дастурлар ва бизнесни қўллаб-қувватловчи платформа яратиш лозим.



Финляндия айнан шу йўлдан кетмоқда. Масалан, Хельсинкидаги Аалто университети мамлакатнинг халқаро ва инновациявий олийгоҳларидан бири бўлиб, “яшил” тадбиркорлик соҳасида ҳам етакчи ҳисобланади. Бу ерда ташкил этилган “Aalto Startup Center” акселератори ҳар йили 80 тагача стартапни қўллаб-қувватлайди, уларнинг ярми эса тўғридан тўғри “яшил” технологиялар билан боғлиқ. Сўнгги 20 йилда ушбу марказ 600 дан зиёд компаниянинг



ривожланишига туртки бўлган. Улар орқали 3200 дан ортиқ иш ўрни яратилган ва умумий айланма ҳажми 630 миллион евродан ошган.

Ўзбекистон учун ҳам бу ёндашув долзарб. Мамлакатда технопарклар, инновация марказлари ва олийгоҳлар негизида “яшил” стартаплар акселераторларини яратиш, қайта ишлаш, тикланувчи энергетика ва рақамли экологик ечимларга устувор аҳамият бериш имконияти мавжуд. Ана шу имкониятдан фойдаланиш кейинги йилларда фаоллашган. Бугун юртимиз бўйлаб қатор акселератор марказлари, ғояларни лойиҳаларга айлантирадиган зоналар фаолияти йўлга қўйилган. Бу нафақат ёш тадбиркорларни рағбатлантиради, балки мамлакатда барқарор ривожланишнинг янги драйверини ҳам шакллантиради.

### Чиқиндиларни ресурсга айлантирган шаҳар

Финляндиянинг Лахти шаҳри айланма иқтисодиётни амалда қўллаётган энг ёрқин намуна ҳисобланади. 2021 йилда шаҳар “Европанинг “яшил” пойтахти” унвонига сазовор бўлди ва бу номни шунчаки рамз сифатида эмас, балки аниқ натижалар билан асослади. Лахтида чиқиндиларга иқтисодий ресурс сифатида қаралади. Бугунги кунда шаҳарда чиқиндиларнинг 46 фоизи қайта ишланади, 52 фоизи эса энергия ишлаб чиқариш учун йўналтирилади. Фақат 1 фоизи чиқиндихоналарга юборилади.

Бу муваффақиятнинг асосий сири чиқиндиларнинг ҳақиқий ҳажми учун тўлов тизимидадир. Мазкур тизим “ташлаганинг учун тўла” тамойилига асосланади. Яъни ҳар бир хонадон чиқарган чиқиндиси учун ҳақ тўлайди. Контейнерлар электрон белгилар билан жиҳозланган ва чиқиндиларни олиб кетиш жараёни рақамли платформада қайд этилади. Бу автоматлаштирилган тизим аҳолининг чиқиндиларни саралаб ташлашини рағбатлантириб, шаҳарнинг экотизимини тоза сақлашга хизмат қилмоқда. Қолаверса, шаҳарда бу тизим фақат техник ечимлар билан чекланиб қолмай, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш билан бирга олиб борилади. Мактаблардан тортиб, маҳаллий бизнесларгача фаол экологик тарғиботлар ўтказилади. Шу боис, барқарорлик шаҳар маданиятининг бир қисмига айланиб, иқтисодий ва экологик жиҳатдан сезиларли натижалар бермоқда.

Ўзбекистонда ҳам шаҳарлар сони ортиб, чиқиндилар ҳажми ошиб бораётган бир пайтда Лахти тажрибасидан ўрнак олиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Тошкент, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда чиқиндиларни рақамли назорат қилиш, электрон контейнерлар жорий этиш ва Лахти тажрибаси асосида рағбатлантирувчи механизмлар қўллаш орқали экологик тозаликка ҳисса қўшилади. Бундай ёндашув шаҳарларда нафақат атроф-муҳитни, балки иқтисодий самарадорликни ҳам таъминлайди.

### Яшиллик ҳашамат эмас, рақобатбардошлик гарови

Финляндияда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати экологик манфаатлар учун бериладиган субсидиялар билан чекланмайди. Бу барқарорликни компаниялар учун рақобатбардошликка айлантиришга қаратилган тизимдир. ESG тамойилларини жорий этиш, менторлик дастурлари ва онлайн академиялар тадбиркорларга фаолиятини ривожлантириш ва янги бозорларга чиқиш имкониятини яратмоқда.

Масалан, “Тадбиркорлар академияси” деб номланган онлайн таълим платформаси орқали аллақачон 5 мингдан зиёд фин тадбиркори ESG асослари, барқарор бизнес моделлари ва экологик бошқарув бўйича билим олди. ESG воситалари компанияларга ўзининг кучли ва заиф томонларини таҳлил қилиш, экологик хавфларни баҳолаш ва уларни камайтириш стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам бермоқда. Финляндия уюшмаларининг маълумотларига кўра, мамлакатдаги кичик ва ўрта бизнеснинг 80 фоиздан зиёди ўз олдига “яшил” мақсадлар қўяди ва уларнинг кўпчилиги ўз ривожланишини мунтазам мониторинг қилиб боради. Бу нафақат атроф-муҳит, балки бизнеснинг барқарор ўсиши учун ҳам самарали ечим эканини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бораётганини инобатга олиб, ESG тамойилларини жорий қилиш орқали янги имкониятлар яратиш мумкин. Хусусан, экспортга йўналтирилган корхоналар халқаро бозор талабларига жавоб бериш учун барқарорлик бўйича сертификатлаш ва ўқув дастурларига эҳтиёж сезмоқда. Шу боис, “Тадбиркорлар академияси” каби муқобил платформа яратиш, менторлик дастурларини ривожлантириш ва кичик бизнес учун ESG бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш Ўзбекистонда ҳам долзарб масалага айланмоқда.

Кейинги йиллардаги амалий ҳаракатларнинг асосида ҳам шу жиҳатлар ётади. Мамлакатимиздаги иқтисодиёт тармоқларида “яшил” технологияларни қўллаш кўрсаткичлари ошиб боряпти. Бунинг учун талабгорларга қатор имтиёзлар, субсидиялар беріляпти. Қолаверса, 2025 йилнинг 1 сентябридан бошлаб “яшил тадбиркор” платформасини ишга тушириш ва тегишли талаблар асосида ишбилармонларга “яшил” тадбиркор мақомини бериш белгиланган. Бу аҳоли учун ҳам, давлат учун ҳам экологик манфаатдорликнинг янада ошишига хизмат қилади.

### Айланма иқтисодиёт — Ўзбекистон учун имкониятлар калити

Айланма иқтисодиёт фақатгина техник ечимлар ёки иқтисодий чоралар билан чекланиб қолмайди. Дунё давлатлари тажрибаси ҳам шуни кўрсатяпти. Бундай иқтисодиёт бутун тизимни қамраб олиб, давлат институтлари, таълим тизими, жамият маданияти ва давлат-бизнес ҳамкорлигини ўзгартиришни талаб этади. Ўзбекистон бу йўналишда тобора муҳим стратегик қадамларни ташламоқда. Миллий “Яшил иқтисодиёт” стратегиясида устувор йўналишлар белгилаб қўйилган, энди уларни ҳаётга татбиқ этиш учун амалий механизмлар ва тизимли чоралар керак.

Айниқса, давлат хизматчилари учун Финляндиянинг “eOppiva” платформасига ўхшаш миллий онлайн таълим платформасини яратиш барқарор бошқарув, иқлим хавфлари ва “яшил” харидлар соҳаларидаги билимларни узлуксиз равишда янгилаб бориш имконини беради. Шунингдек, коллежлар ва университетларда айланма иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш курсларини жорий этиш, улар негизида “яшил” кўникмалар марказлари ва лойиҳа лабораторияларини ташкил этиш орқали ёш мутахассисларни замонавий талабларга мувофиқ тайёрлаш мумкин.

Технопарклар негизида “яшил” стартаплар акселераторларини ривожлантириш орқали қайта ишлаш, тикланувчи энергетика ва рақамли экологик ечимларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу жараёнда давлат-хусусий шериклик ва грант дастурлари катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шу билан бирга, шаҳарлар кесимида чиқиндиларни рақамли назорат қилиш тизимларини жорий этиш, электрон контейнерлар ва “ақлли” чиқинди қутиларини ўрнатиш орқали атроф-муҳит тозалигини таъминлаш самарали ҳаракатлардан бири. Кичик ва ўрта бизнес учун ESG “йўл хариталари” тизимини ишлаб чиқиш эса экспортбоп корхоналарнинг халқаро бозорда рақобатбардошлигини кучайтиради.

Таълим, экология ва рақамлаштириш соҳаларида Ўзбекистон ва Финляндиянинг қўшма дастурлари ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиб, улар тажриба алмашиш, малака ошириш ва илмий тадқиқотлар орқали маҳаллий ечимларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бу чора-тадбирлар катта молиявий сарф-харажат талаб қилмайди, аммо Ўзбекистонда янги бошқарув маданияти ва барқарор ривожланишнинг амалий экотизимини яратишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан “яшил иқтисодиёт”ни мамлакатни модернизация қилиш ва барқарор ўсишнинг ички драйверига айлантиришнинг вақти келди.

**Миркомил ОДИЛОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директори ўринбосари, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**Дилфуза ҚУРБОНОВА,**
**Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ходими, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент**



# РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МИЛЛИЙ БОЗОРИ

## УНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Бошланиши 1-бетда

Шу мақсадда қатор лойиҳалар йўлга қўйилган. “GAP Women IT Union”, “Technovation Girls”, “ICT4Girls”, “Бир миллион дастурчи”, “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” каби лойиҳалар орқали минглаб хотин-қизлар ахборот технологиялари соҳасига жалб қилинмоқда. Бу лойиҳалар уларни халқаро танловларга йўналтиряпти. 2022 йилда мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида 159 хотин-қиз фаолият олиб борган бўлса, жорий йилга келиб, бу кўрсаткич 6704 нафарга етгани, яъни деярли 42 баравар ўсгани катта ўзгаришдир.

“GAP Women IT Union” лойиҳаси ҳар йили амалга оширилади. Хотин-қизларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро даражадаги конференцияларда иштирок этишини таъминлаш мақсадини кўзда тутувчи бу лойиҳа уларни замонавий касбларга рағбатлантиришга хизмат қилиб келаётир.

“Technovation Girls” лойиҳаси доирасида эса чекка ҳудудлардаги мактаб ўқувчиларининг стартап ғоялари халқаро даражада қўллаб-қувватланади. Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра, жорий йилда Ўзбекистондан 88 нафар ўқувчи қиз ярим финалга чиқди. Беллашувлар ҳали давом этади. Агар улар финал босқичига қадам қўйса, АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида бўлиб ўтадиган “Technovation Girls” тадбирида иштирок этиш имкониятини қўлга киритади.

— 2024 йил Голландияда ўтказилган қизлар ўртасидаги информатика бўйича халқаро олимпиадада ўзбек қизлари илк бор иштирок этиб, бронза медални қўлга киритди. Жорий



йилда ушбу мусобақага пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Республика бўйича 3 босқичда саралаш турнирлари ўтказилди. Энг иқтидорли 4 нафар қиз саралаб олинди. Улар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида информатика бўйича халқаро олимпиадада иштирок этиш учун яқинда Германияга жўнаб кетди. Бу йилги мақсадимиз олтин медални қўлга киритиш, — дейди Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Жасурбек Қайнарбеков.

Рақамлаштириш барча соҳага жадал кириб бормоқда. Бу ўз-ўзидан IT мутахассисларига бўлган талабни оширади. Шу боис, Хоразм вилоятида 2000 хотин-қиз ахборот технологиялари ва замонавий касбларга ўқитилди. Бундай ташаббусларни барча ҳудудларда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 2 миллиондан ортиқ иштирокчи таълим олди, эътиборлиси, уларнинг 47 фоизи хотин-қизлар.

**— IT соҳасининг бошқа касблардан устунлиги нимада, биласизларми? Яхши компьютер, интернет ва кўникма бўлса, барча ишни уйда бажарса бўлади. Битта тикув машинасининг пулига озгина қўшиб, яхши компьютер олиб берилса, қизларимиз уйда ҳам минг долларгача даромад топади,** — деди Президентимиз Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Дастлабки билим ва кўникмага эга опа-сингилларимиз бемалол масофадан туриб ишлаши, муайян даромад топиши мумкин. Уйда ўтирган, оиласи ва фарзандларига вақт ажратган ҳолда профессионал фаолият юритиши уларга молиявий мустақиллик бериши баробарида янгиликлар яратиш истаги ва ижодкорлигини рағбатлантиради. Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига кўмак беради. Асосийси, ўз йўлини топиши ва кичкина қадамлар билан катта мақсад сари интилишига руҳлантиради.

— Энг аввало, қатъият, доимий ўз устида ишлаш, чет тилларни билиш ва янги технологияларга қизиқиш. Қизлар учун бундай муҳитни яратиш — бизнинг устувор вазифамиз, — дейди Жасур Қайнарбеков.

Чекка ҳудудлардаги иқтидорли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус ахборот платформаси itstudy.uz ишлаб чиқилган. Бу ҳунарманд хотин-қизлар электрон тижорат платформаларида даромад топиши, онлайн маркетинг, давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича билим олишига имкон беради.

Шу ўринда кам таъминланган, имконияти чекланган ёшларнинг ушбу соҳани мукаммал эгаллаши учун шароитлар етарлими деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида ташкил этилаётган грантлар, онлайн курслар, махсус IT лагерлар орқали барча учун тенг имкониятлар яратиляпти. Эътибордан бир оз четда қолган аёл-қизлар ҳаётини ўнглаб олиши, даромад топиши учун касбларга ўқитиляпти, рақамли таълим оляпти. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури бўйича бепул ўқувлар ташкил қилингани ана шундай опа-сингилларимиз учун чинакам таянч бўлди. Жорий йилнинг 6 ойида 150 мингдан ортиқ ёшлар ушбу курсларда ўқиб, сертификат олди. Шундан 33 минги кам таъминланган оила фарзандлари. Кейинги босқичда энг юқори натижа кўрсатган 5 минг нафар иқтидорли, кам таъминланган оила фарзандлари танлаб олиниб, 6 ойлик бепул интенсив курсларга ўқитилади ҳамда бир йиллик юқори тезликдаги интернет билан таъминланади. Уларнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

— Келгусида хотин-қизлар учун сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили ва робототехника бўйича махсус платформаларни ишлаб чиқиш, ҳудудларда малака ошириш









УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

дастурларини йўлга қўйиш ва IT мактаблар тармоғини кенгайтириш режалаштирилган, — дейди Жасурбек. — Мақсадимиз хотин-қизларни замонавий касбларга ўқитиш, юқори даромад топишига замин яратиш.

Рақамли технологиялар вазирлиги берган маълумотга кўра, жорий йилда IT ўқув марказларида 18 минг 300 нафар ёшлар таълим олди, уларнинг 8612 нафари иш ўринларига эга бўлди. 192 нафари эса экспортчи йирик компанияларга ишга жойлашди. Қувонарлиси, уларнинг ҳам ярми хотин-қизлар.

Вазирлик томонидан хотин-қизларни замонавий касбларга тайёрлаш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида юқори даромадли иш ўринларига эга бўлишига кўмаклашиш бўйича аниқ ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу қизларимиз эришаётган ютуқларда кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, Тошкент шаҳридаги Амити университети талабаси Шукрона Алишерова Японияда ўтказилган халқаро “Women in Tech” тадбирининг тақдирлаш маросимида Ўзбекистон номидан иштирок этди. Мазкур тадбир дунё бўйлаб технология соҳасидаги етакчи аёллар, инноваторлар ва талабаларни бирлаштиради. Унда ғоялар алмашилади, STEM йўналишларида гендер тенглигини тарғиб қилиш масалалари муҳокама қилинади.

Ушбу халқаро тадбир аёлларни технология соҳасида қўллаб-қувватлаш, уларнинг етакчилик салоҳиятини ривожлантириш ҳамда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган.

— Мен аёллар технологияда ижодкор ва дунёни ўзгартирувчи куч эканига ишонаман, — дейди Шукрона. — “Women in Tech” бу ишончни янада мустаҳкамлади ва янги мақсадлар сари ҳаракат қилишга ундади.

Технологик тараққиёт даврида яшаяпмиз. Компьютер, интернет, мобил қурилмалар, сунъий интеллект ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган бир пайтда салоҳиятли қизларимиз ўз иқтидорини халқаро майдонларда намойиш этмоқда. Бу уларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, билими, эзгу, хайрли ташаббусларини халқаро миқёсда илгари суриш имкониятини беради.

— Санъат, рақамли иллюстрация ва анимация орқали болалар таълими, экологик маданият ва миллий меросни оммалаштиришга ҳаракат қиламан, — дейди иқтидорли ёшларимиздан яна бири Зилола Ҳамидова. — Afisha.uz учун иллюстрациялар яратганман. “Meva”, “Doxter” каби мобил иловалар учун графикалар ишлаганман. Қисқа метражли мультфильмлар, хусусан, “Бўйноқ” ва “Автосаргузаштлар” лойиҳаларида постановкачи-рассом сифатида иштирок этдим.

Шунингдек, ижодкорларни бирлаштирувчи рассомлар ва креатив соҳа кишиларини ўзида жамлаган гуруҳ ташкил қилдим. Бу майдон Ўзбекистон ва хориждаги ёш рассомларнинг ҳамкорликда иш олиб боришига туртки бўлмоқда.

Телеграмдаги “Zi” стикерлар тўпламидан жами 12 миллион марта фойдаланилган — бу ҳам миллий образларимизнинг рақамли дунёда оммалашуви учун муҳим қадам ҳисобланади.

Зилола Ҳамидова 2024 йилда рассом ва аниматор, ёзувчи ва ижрочи сифатида ўзининг илк мустақил лойиҳаси — “Тун — она алласи” номли мусиқий китобини нашр этди. Болалар учун мўлжалланган бу китоб учта мусиқани ўз ичига олган тугмачали форматда яратилган. Китобдаги шеърий матнлар, иллюстрациялар ва ижро ўқувчига манзур бўлмоқда.

Бу билан чекланиб қолмасдан, китоб асосида анимацион фильм яратилган — суратга олиш ва продюсерлик ишларини Ҳилоланинг ўзи бажарди. Кенг жамоатчилик эътирофини қозонган лойиҳа Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган расмий тадбирда Президентимизга тақдимот қилинди.

Ҳилола шу кунларда “Буюк боболарим болалиги” номли йирик лойиҳа устида иш олиб боряпти. Ушбу анимацион лойиҳа буюк ўзбек олимлари болалиги ҳақида ҳикоя қилади.

Айни пайтда у икки тилдаги шеърий матнлар асосида болалар учун яна бешта янги китоб тайёрламоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда навқирон авлод вакилларига қарата **“Янги технологиялар асрида ким ютади? Фақат креатив фикрлайдиган, замонавий билим ва касбларни эгаллаган мутахассислар ютади”,** деди. Бунда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўзини намоён этаётган Ҳилола каби ёшлар назарда тутилган бўлса ажаб эмас.

Мамлакатимизда рақамли миллий стратегияни амалга ошириш, соҳани трансформация қилиш жадал давом этмоқда. Бу жараёнда инсон капиталига, малакали мутахассислар тайёрланишига катта эътибор қаратилаётир. Айниқса, хотин-қизларнинг муваффақиятли ғояларга муаллифлик қила олиши таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва бошқа соҳалар ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Зеро, улар истеъдоди, нозик ва теран қалби, тадбирлилик хусусияти билан ҳаётдаги кўплаб ижтимоий муаммоларни тез илғай олади, уларга самарали ечим излайди. Гендер мувозанатга эришиш, инсонпарварлик масалаларининг кун тартибида бўлиши, рақамли технологиялар миллий бозори учун яратилган қулай муҳит ва ташкилий имкониятлар опа-сингилларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

**Рисолат МАДИЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАР САРИ ОЛҒА

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО МАТЕМАТИКА ОЛИМПИАДАСИДАН ҲАМ ЭНГ ЯХШИ НАТИЖА БИЛАН ҚАЙТДИ



Илм-фан ютуқлари

**Яна хушхабар. Илм-фандаги ютуқларимиз ютуқларга уланяпти. Яқиндагина Халқаро кимё олимпиадасидаги рекордни янгилаган бўлсак, куни кеча Австралияда ўтган 66-Халқаро математика олимпиадасида ҳам энг яхши натижани қўлга киритдик. Олимпиаданинг 4 та кумуш ва 1 та бронза медали бизники бўлди. Бу билан 1997 йилдан буён мазкур олимпиададаги жами медалларимиз сонини 16 та кумуш, 36 та бронзага етказдик. Тўғри, ҳали олтин йўқ, бироқ йилдан йилга кузатилаётган ўсиш олтинга бир баҳя қолаётганидан далолат. Зеро, бу йилги беллашувда терма жамоамиз тарихида кутилган олтин медалга атиги бир балл етмай қолди. Шундай бўлса-да, мамлакатимиз мазкур олимпиададаги ўтган йилги ўрнини 16 поғонага кўтариб, 43-ўриндан 27-ўринга чиқиб олгани қувонарли.**

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилги мазкур олимпиадада иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси таркибида 7-синф ўқувчиси ҳам бор. Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги ихтисослаштирилган мактабда таҳсил оладиган энг ёш иштирокчи Умарбек Убайдуллаев терма жамоамизга 16 баллни қўшиб, ёшига нисбатан яхши натижа кўрсатди. У битта масалани тўлиқ ечган иштирокчига бериладиган Honourable mention (алоҳида эътироф)га сазовор бўлди. Аслида, бу қатнашчининг 7-11-синфлар орасида энг юқори 6 таликка кириб, халқаро майдонгача етиб борганининг ўзи катта ютуқ. У каби ўқувчилар кейинги иштироклар учун керакли тажрибани орттириб, чархланиб боради.

— Бу йил, чиндан ҳам Халқаро математика олимпиадаси тарихидаги энг яхши натижами? — дея терма жамоамиз тренери Ўткир Болтаевга юзландик.

— Ҳамма кўрсаткичларни ҳисобга олсак, ҳа, энг яхшиси. Аслида, 4 та кумуш ва 1 та бронзани аввал, 2010 йил олганмиз. Лекин ҳозирги жамоада баллар ва жамоавий кўрсаткичлар жуда юқори. Умумий ҳисобда 158 баллни қўлга киритдик, — деди терма жамоа раҳбари.

Суҳбат чоғи ўқувчилик йилларини эслар экан, Ўткир ака шундай деди:

— Ўзим ҳам 2006-2007 йиллари ушбу олимпиадада иштирок этиб, кумуш ва бронза медалларни олганман. Бироқ у пайтларда фан олимпиадалари, иштирокчилар, ўқитувчиларга ҳам бугунгидек эътибор бўлмаган, тўғриси. Мана бугун медаль олган ўқувчилар кейинчалик ўқитувчи бўлиб ишласа ҳам катта устама билан ойлик маош олади. Илм-фанга эътибор бўлса, шунчалик бўлади-да. Ваҳоланки, ҳозир олимпиаданинг тури ҳам кўп. Биргина математиканинг ўзидан 10 га яқин минтақавий ва нуфузли олимпиадаларга борамиз. Бу ўқувчиларимизнинг маҳорати, тажрибаси ошиб боришига хизмат қиляпти. Ўқув-йиғинлари, тайёргарликлар замон талаблари асосида йўлга қўйиляпти. Масалан, Қирғизистондаги, Хитойдаги ўқув-йиғинларига қатнашиб келяпмиз.

Дарҳақиқат, бундай имконият аввал бўлмаган. Ушбу ўқув-йиғин машғулотлари халқаро олимпиадаларга тайёргарлик жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, иштирокчилар учун назарий билимларини чуқурлаштириш ва амалий тажриба орттириш имкониятини яратади. Машғулотлар давомида терма жамоа аъзолари тажрибали халқаро мураббийлар томонидан тайёрланган махсус тренингларда қатнашади. Мураккаб масалаларни таҳлил қилиш ва ечиш кўникмаларини ривожлантиради. Математик



фикрлаш қобилиятларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. Фикримизнинг исботи ўлароқ, ўтган йили бронза медаль олган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Расулбек Ғаффоров бу йил кумуш медалга эришди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, терма жамоамиз ўтган йили Халқаро математика олимпиадасида жами 2 та кумуш, 3 та бронза медаль жамғарган эди.

— 2021 йилдан буён мунтазам равишда Халқаро математика олимпиадасига ўқувчиларни тайёрлаб келяпман. Тайёргарлик жараёни сентябрдан март ойигача турли даражада ташкил қилинади. Энг кучлиларни саралаб олиш ҳам бир неча босқичда амалга ошади. Ўқувчиларимиз бирор марта медалсиз қайтмади. Биринчи олимпиадачи шогирдим Озодбек Ахтамов уч карра бронза медаль соҳиби бўлди. Асосий мақсадимиз — албатта, олтин медални қўлга киритиш. Чунончи, бизга бўлган ишонч, яратилаётган шароитларга жавобан ҳам бу натижага эришишимиз керак. Ўзингиз ўйланг, 2019 йилдан буён мунтазам равишда пул мукофотлари, бир марталик пул мукофотлари, ўқитувчиларга устамалар, аттестация жараёнларида имтиёзлар бериб келиняпти. Бу йилдан эса олимпиада тарихида бўлмаган рағбатлар бизни кутиб турибди, — деди Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг олий тоифали математика ўқитувчиси, “Шуҳрат” медали соҳиби Анвар Очилов.

Фанлар шоҳи математикани чуқур ўзлаштириш, унинг сир-синоатини англаб етиш ҳаммага ҳам эмас. Шундай экан, бу йўлдан дадил бораётган эртамиз эгаларини қизғин табрикладик, ҳаммаси яхши, баланд марралар сари олға, йигитлар, дедик. Одатда математиклар у қадар гапга чечан бўлмаса-да, энг юқори балл жамғарган Элбек Зоҳиджонов жамоа номидан миннатдорлик билдиришини айтди.

— Биз барчаси учун, аввало, Президентимиз, тажрибали устозларимиз ва бизни қўллаб турган ота-онамизга раҳмат айтамиз. Ўқиб-ўрганиб, дунё бўйлаб билимимизни синашимиз, энг кучлилар билан беллашишимиз учун ҳамма шароитлар етарли. Ўйлаймизки, кейинги йилларда, албатта, олимпиада тарихидаги илк олтинларни медаллар шодасига қўшамиз.

— Элбек ўтган йили ҳам жамоага кумуш медални тақдим этганди. Олтин медалга бир қадам қолганидан ҳаяжонда турган бу ўқувчи Расулбек Ғаффоров каби мактабдошларини, қашқадарёлик оддий мактаб ўқувчиси, кумуш медаль соҳиби Беҳруз Элмуродовни ҳам руҳлантириб юборгани аниқ. Биз эса мақсади улуғ, йўллари ойдин бўлган фарзандларимизнинг барча-барчасига муваффақиятлар тилаймиз.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**





Камолот пиллапоялари

# ШИЖОАТ ВА ИРОДА БОР БЎЛСА, ЗАФАР ҲАМ ЁР БЎЛГАЙ

**— Эсимда, болалигимда қўшни ҳовлида яшовчи тарих фани ўқитувчиси менга ҳар гал кўзи тушганида “Йўл бўлсин, Шермуҳаммад қўрбоши?” дея хитоб қиларди. Авваллари бунинг маъносини тушунмасам-да, жуда қизиқардим. Улғайганим сари исмим атрофдагиларникига ўхшамаслигини, камёб эканини билиб бордим. Бу исмни менга отам қўйган.**





Отамнинг айтишича, тарихда шу исмшарифли ботир инсон ўтган. Бугунги кунда уйимизнинг тўрида таниқли ёзувчи Жонрид Абдуллахоновнинг “Тарки дунё” роман-хроникаси ҳамда адиб Мансурхўжа Хўжаевнинг “Шермуҳаммадбек қўрбоши” тарихий китоби сақланади. Ушбу асарларда ватанпарвар аждодимиз Шермуҳаммадбекнинг ҳаёти ва кураш йўли ҳақида ёзилган. Шермуҳаммадбек қўрбоши 1918-1922 йилларда Фарғона водийсидаги миллий озодлик ҳаракатининг етакчи раҳбарларидан бири, истиқлолчиларнинг тан олинган ҳарбий қўмондони бўлган ва бутун умрини юрт озодлиги учун курашга бағишлаган. Бу исм менга ва келгусида фарзандларимга ҳам шаън бўлиб хизмат қилади, — дейди жарқўрғонлик Шермуҳаммад Жандреев.

Президентимизнинг “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган бир гуруҳ ёшлар мукофотланди.

Улар орасида бугунги ҳикоямиз қаҳрамонлари — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси Шермуҳаммад Жандреев ва Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабаси Парвез Қудратиллаев ҳам борлиги воҳа аҳлига чексиз ғурур бағишлайди.

Шермуҳаммад Жандреевни мамлакатимизда умидли ёш полвон сифатида аллақачон яхши танишади.

— Болалигимдан курашга алоҳида меҳр қўйганман. Эсимни таниганимдан буён тўй ва тадбирлардаги кураш мусобақаларидан қолмаганман. Ҳатто қўшни қишлоқлардаги беллашувларга қочиб кетган пайтларим бўлган. Йиллар ўтди. Дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионатларида мунтазам ғолибликни қўлга киритиб, саккиз карра мамлакат чемпиони бўлдим, — дейди “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби Шермуҳаммад Жандреев. — 2017 йилда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида кураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медални, 2018 йилда Индонезиянинг Жакарта шаҳри мезбонлик қилган Осиё ўйинларида 1-ўринни қўлга киритганман. 2018-2019 йилларда Урганч ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган халқаро турнирларда ҳам барча рақибларимни мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдим.

Шермуҳаммад 2019 йили Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳрида кураш бўйича жаҳон чемпионатида олтин медаль соҳибига айланди. 2021 йили Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида кураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медални қўлга киритган бўлса, ўша йили Венгрия пойтахти Будапештда дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида ҳам учинчи ўринни эгаллади. Ўтган 2024 йилда эса Эроннинг Теҳрон шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида яққол устунлик билан олтин медални ўзиники қилди.

Шермуҳаммад Жарқўрғон туманининг Яшнобод маҳалласида таваллуд топган. Дзюдо ва кураш билан тинимсиз шуғулланиб, устозлари сабоқларидан улғайган қаҳрамонимиз энди давлатимизнинг юксак эътирофидан сўнг янги уфқлар сари янада дадил одимламоқда. Унинг спортдаги ютуқлари нафақат яқинлари ва маҳалладошлари, балки кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлаётир. Айниқса, бу эътироф Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасида фаолият юритаётган ҳамкасблари қалбида катта қувонч ва ифтихор туйғусини уйғотди. Улар бу муваффақиятни юртдаги ҳар бир ёш учун рағбат сифатида қабул қилди.

У бугунги кунда Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси сифатида фидойилик ва ватанпарварлик намунасини кўрсатиб, самарали хизмат қилиб келмоқда. Хизмат фаолияти давомида у ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, гиёҳвандлик, экстремизм ва терроризмга оид оғир ҳамда ўта оғир жиноятларни фош этиш, жиноий гуруҳларни қўлга олиш билан боғлиқ 22 та махсус операцияда фаол қатнашиб, касбий маҳоратини мардона намоён этган.

Ҳар бир ютуқ, ҳар қандай зафар, аввало, тинимсиз меҳнат, сабр ва ирода мевасидир. Буни навбатдаги қаҳрамонимиз Парвиз Қудратиллаев мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. У дунёга тоза ва ҳалол қалби, келажакка йўл кўрсатувчи ички нури билан боқади. Унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қадами ортида олижаноб орзу, юксак масъулият ва инсонпарварлик туйғулари мужассам. Тиришқоқлиги, матонати ва руҳий қуввати билан атрофидагиларга илҳом бағишлайди.

Парвиз Қудратиллаев Сурхондарё вилоятининг сўлим ва тоғли Бойсун туманидаги Темир дарвоза маҳалласида туғилган. Табиат қўйнида камол топган бу йигит ўз азму шижоати, сабр-тоқати ва илмга ташналиги билан кўпчиликнинг эътиборини қозонган. У ҳаётга чексиз ишончи, иштиёқи ва эзгу мақсадлари билан бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Унинг кўриш қобилиятида нуқсони бор. Шунга қарамай, Самарқанд шаҳрида жойлашган кўзи ожиз ўқувчилар учун ихтисослаштирилган “Нурли маскан” мактабини муваффақиятли тамомлади. Мактабда ўқиш давридаёқ Парвиз ўз иқтидори ва интилиши билан тенгдошларидан ажралиб турарди. У кўзи ожиз ўқувчилар ўртасида ташкил этилган фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, мунтазам равишда юқори натижаларга эришиб келган.

Китоб маънавият чироғи, юксалиш калити эканини Парвиз Қудратиллаев болалигиданоқ теран англаган. Унинг ҳаётида китоб алоҳида ўрин тутади. Йиллар давомида китоб унга нафақат билим, балки руҳий қувват, сабр-тоқат ва улкан мақсадларга интилиш йўлида илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Парвиз китоб ўқишни асло канда қилмайди, мутолаа кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Шу боис, у тенгдошлари орасида нафақат билимдон, балки энг фаол китобхонлардан бири сифатида ҳам танилган. У 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган “Матонат” китобхонлик беллашувининг вилоят босқичида “Ёш китобхон” йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритгани ҳам фикримиз далилидир.



Парвиз Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетида таҳсил олмоқда.

— Эришган ютуқларим замирида юртимизда биз каби ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ётади, — дейди Парвиз Қудратиллаев. — Бу бизга улкан руҳ ва шижоат бағишлайди, катта мақсадлар сари илдамлашимизга туртки беради. Мен каби ёшларнинг қўллаб-қувватланиши нафақат шахсий ривожланишимизга, балки ватанимизга муҳаббатимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, юртимизнинг дунё саҳнасидаги нуфузини ошириш ва ўзлигимизни намоён этишда муҳим аҳамият касб этади.



Парвиз Қудратиллаев устозлари кўмагида қатор илмий мавзулар устида изчил тадқиқотлар олиб бормоқда. Билимга чанқоқлиги ва тарихий жараёнларга чуқур қизиқиши уни илмий майдонларга етакламоқда. 2024 йилда у “Замонавий фан ва тадқиқотлар” халқаро илмий журналида икки муҳим мавзудаги мақоласи билан иштирок этди.

Унинг ютуқлари фақат илм-фан соҳаси билан чекланиб қолмай, спортда ҳам ўз аксини топмоқда. У бир неча йиллардан буён ақл ва зеҳн талаб қилувчи спорт тури — шашка билан мунтазам шуғулланиб келади.

Парвиз Қудратиллаевнинг билимга чанқоқлиги, изланувчанлиги, талабчанлиги, илмий тадқиқот ишлари ва жамиятдаги фаол иштироки эътирофсиз қолмади. Айнан ана шундай фаолияти, ташаббускорлиги ва ютуқлари туфайли Парвиз 2025 йил 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

— Бу юксак мукофот нафақат Парвизнинг, балки туғилиб-ўсган маҳалласининг ҳам ютуғидир. У маҳалла ёшларининг ғururига айланди. Биз бу каби ёшлар сафи кўпаяверсин дея дуога қўл очдик, — дейди меҳнат фахрийси Анвар Кенжаев.

У бир ҳақиқатни ўз ҳаётида амалда исботлади: жисмоний имконият чекланган бўлиши мумкин, аммо инсондаги руҳий қувват, кучли ирода ва билимга интилиш ҳеч қандай тўсиқни тан олмайди.

— Ҳеч бир ота-она йўқки, фарзандининг камолини кўришни истамаса. Фарзанднинг ютуғини, келажаги, умид ва орзу-мақсадлари рўёбини кўришдек буюк бахт борми?! Парвиз ўғлим юрагимнинг бир парчаси, ҳам суянчим. Мана қаранг, интилиши, сабри, иродаси ва энг асосийси, давлатимизнинг яқиндан қўллаб-қувватлаши ортидан ўз йўлини топиб, юксак марраларни забт этди. Бундай эътибор ота-она учун буюк бахт ва шарафдир, — дейди унинг отаси Камол Шайманов.

Ҳар бир инсон қалбида юртига нисбатан чуқур ватанпарварлик туйғуси яшайди. Парвиз Қудратиллаев ҳам ана шундай юксак муҳаббат эгаси. У ўзи туғилиб-ўсган, ёрқин хотиралар ва эзгу умидлар билан боғланган Темир дарвоза қишлоғига чексиз меҳр билан қарайди. Шу сабабли у ўз воҳаси, тумани ва қишлоғининг шонли тарихини чуқур тадқиқ қилишни устувор мақсадларидан бирига айлантирган.

Бугунги кунда ёшларга эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган. Эзгу ташаббуслар туфайли ҳаётга илҳом ва ишонч билан боқаётган минглаб ёшлар ўз орзу-интилишларини амалга ошириш имконига эга бўлмоқда. Энг қувонарлиси бу эътибор ва имкониятлар нафақат пойтахтда, балки энг чекка ҳудудлардаги ёшларни ҳам тўлиқ қамраб олаётганидир.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



# “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” — МЕҲР ДАФТАРИ

Бугуннинг гапи

**Мамлакатимизда турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат томонидан манзилли кўмаклашиш тизими — “Аёллар дафтари”нинг жорий этилгани уларнинг муаммоларини ҳал қилишда муҳим омил бўлмоқда.**



Хусусан, 2025 йил бошида Фарғона вилоятида “Аёллар дафтари”нинг олтинчи босқичида уйма-уй ўтказилган хатлов жараёнларида 111 минг 778 хотин-қиз ушбу дафтар рўйхатига олинди. Хатловда ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳеч бир аёл четда қолиб кетмаслигига алоҳида эътибор қаратилди.

Олдинги босқичларда бу дафтарга кирган опа-сингилларимизнинг ҳаётида кўплаб ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг бири тадбиркор, бири иш берувчи, яна бири ҳунарли бўлди. Аслида, аёлни эъзозлаш, уларни рози қилишга эришиш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Буларнинг барчаси юртимизда инсон манфаатлари кўзланган ислоҳотлар самарасидир.

Бу жабҳада Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ҳам фаол иштирок этиб, “Аёллар дафтари”га олинган опа-сингилларимизнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига кўмаклашиб келмоқда.

Данғара тумани “Навбаҳор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Аломатхон Эркинова ўрганишлар давомида “Аёллар дафтари”га олинган эди. Гарчи унинг қўлида ҳунари бўлса-да, фаолиятини кенгайтиришга имконияти етмаётганди. Унга тадбиркорлигини бошлаш учун банкдан 30 миллион сўм кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига Аломатхон 5 та тикув машинаси харид қилди. Ёнига тикувчиликдан хабари бор қўни-қўшниларини жамлади. Буюртмалар асосида болалар ва аёллар кийим-кечагини тикишни бошлади. Айни пайтда у билан 7 хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Бағдод тумани Чўли Юнус маҳалласида яшовчи Мўътабар Исақова ҳам “Аёллар дафтари”га киргач, кўрсатилган ёрдам сабаб ҳаёти яхши томонга ўзгарди. Банкдан ажратилган 27 миллион сўм кредит ишини бошлашига асқатди. Ушбу маблағга тикув машиналари олиб келди. Атрофига шогирдлар йиғди. Уларга ҳунар ўргатди. Бугун у билан 5 нафар хотин-қиз елкама-елка ишлаб асло кам бўлаётгани йўқ.

Олтиариқ тумани Ғайрат маҳалласида яшовчи Дилрабохон Баратова ҳаётбахш ислоҳотлар туфайли бугун иш берувчи тадбиркор аёлга айланди. Айни дамда унинг тикув цехида 15 аёлнинг бандлиги таъминланган. Хонадонма-хонадон ўрганишлар чоғида Дилрабохон Баратова “Аёллар дафтари”га олинган эди. Қўлидан бинойидек тикиш-бичиш келадиган Дилрабохон банк томонидан ажратилган маблағ ҳисобига тадбиркорлигини йўлга қўйди.

— Айни пайтда мавсумий кийим-бош тикиб, бозорларга чиқаряпмиз, — дейди Дилрабохон опа. — Ҳозир қўшни Қозоғистондан буюртмалар олиб, маҳсулотларимизни ташқи бозорларга ҳам етказиб беряпмиз.

Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказида Оила ва хотин-қизлар қўмита раисининг биринчи ўринбосари Умида Абдуллаева, “Аёллар дафтари” бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясидан бириктирилган масъул раҳбар Абдуғаффор Солиҳов бошчилигида “Аёллар дафтари”нинг олтинчи босқичида хотин-қизларга кўрсатилаётган амалий ёрдамлар ижроси бўйича ўтказилган танқидий-таҳлилий йиғилишда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинди.

Унда вилоят ҳокимлиги, Халқ депутатлари вилоят кенгаши, бошқарма ва ташкилотлар масъул раҳбарлари ҳамда туман, шаҳар ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Қайд этилганидек, жорий йил бошида 111 минг 778 хотин-қиз “Аёллар дафтари”нинг олтинчи босқичида рўйхатга олинган бўлиб, бугунга қадар уларнинг 97 минг 667 нафарига амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Аммо айрим туман ва шаҳарларда рўйхатдаги хотин-қизларга амалий ёрдам бериш ишлари бир оз оқсаётгани таъкидланди. “Аёллар дафтари”га киритилган опа-сингилларимизнинг ҳаётдан умиди катта экани, амалий ёрдамлар орқали рўзғорларини бутлашга ҳаракат қилишга иштиёқи баландлиги айтиб ўтилди.

Мазкур дафтарга киритилган хотин-қизларга кўрсатиладиган манзилли ёрдамлар сифатини ва қамровини ошириш бўйича масъул раҳбарларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

**Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг маслаҳатчиси**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-746.
34972 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:45 Топширилди — 00:05